SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

# O'ZBEKISTON OVOZI

XDP
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2016-yil, 2-iyul. Shanba • 77-78 (32.137) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

## «ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИГА 25 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз истиқлолининг 25 йиллигини кенг нишонлаш муносабати билан ҳамда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувликни, тинчлик ва барқарорликни асраш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони таъсис этилсин.

2.«Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) бир ой муддатда «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишонлари ва уларнинг гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Д.Назармухамедов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 1 июль



# ИСЛОҲОТЛАР ВА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ САМАРАЛАРИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида 30 июнь – 1 июль кунлари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлди.**

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига сафарининг иккинчи куни Қарши туманидаги «Шукрона» фермер хўжалиги даласига ташриф буюрди.

Қашқадарёлик деҳқонлар бу йил 145 минг гектар майдонда ғалладан мўл ҳосил етиштирди. Шу кунларда ўрим-йиғим ишлари қизғин давом этмоқда. «Шукрона» фермер хўжалиги ҳам алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Мўлжал 20 гектар ғалланинг ҳар гектаридан 65 центнердан ҳосил олишдир.

Фермер ва деҳқонларимиз учун масъулиятли бўлган шу кунларда сизларнинг ёнингизга келиб, дилдан суҳбатлашиш, ҳол-аҳвол сўраш, ҳорманг, дейиш менга катта мамнуният бағишлайди, деди Юртбошимиз.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аграр соҳада туб ислоҳотлар амалга оширилгани, ерга, меҳнатга муносабат ўзгаргани, деҳқончилик маданияти юксалгани самарасида қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштирилаётир.

Бугунги кунда Қашқадарё ҳар томонлама ривожланган вилоятлардан бирига айланди. Мамлакатимиз ғалла хирмонининг 12 фоизи, пахтанинг қарийб 15 фоизи шу вилоятда етиштирилмоқда. Бу йил ғалла ҳосилдорлиги гектарига ўртача 62 центнерни ташкил этаётгани ҳам қашқадарёлик миришкорларнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги самарасидир.

Президентимиз раҳнамолигида Қашқадарё вилоятида улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Қарши шаҳрида янги йўл ва кўприклар, кўп қаватли уй-жойлар, боғ ва хиёбонлар, хизмат кўрсатиш объектлари бунёд этилди ва бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит ва қулайликлар яратилмоқда.

Шаҳрисабзда ҳам кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Оқсарой мажмуаси атрофидаги майдон кенгайтирилиб, Чорсу бозори, Кўкгумбаз, Дорут-тиловат, Дорус-саодат обидаларини боғловчи сўлим хиёбон барпо этилди. Шаҳарнинг сайёҳлик салоҳиятини янада ошириш мақсадида Қарши шаҳрига борадиган 129 километрлик замонавий йўл қурилмоқда.

Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларини ҳар томонлама обод қилиш учун катта маблағ ва ресурслар ажратилган, деди Ислом Каримов. Шаҳарлар қиёфаси, инфратузилмаси шунга мос бўлиши керак. Мақсадимиз – аҳолимиз учун барча замонавий шароитларни яратиш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришдир. Шу билан бирга, бугун амалга ошираётган ишларимиз келажак авлодларимизга ҳам хизмат қилсин.

– Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили, айтиш мумкинки, ҳар бир ойи тарихий воқеаларга, улкан муваффақиятларга бой бўлмоқда, – деди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Январ Иноятов. – Буни ҳар қадамда ҳис этяпмиз, барча вилоятлар мисолида кўряпмиз. Яқинда Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ишга туширилганини телевизор орқали кўриб, ҳаммамиз астойдил қувондик. Уни аср мўъжизаларидан бири деганларича бор. Ниҳоятда қисқа муддатда – атиги 32 ойда 123,1 километрлик темир йўл ва 19 километрдан зиёд туннель қуриш ҳазилакам ишми! Бундай улкан лойиҳаларни иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қудратли давлатгина амалга ошира олади.

Президентимиз фермер ва ишчиларнинг меҳнат қилиши ҳамда дам олиши учун яратилган имкониятлар, оилавий шароитлари билан қизиқди. Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар халқимиз турмуш даражасини, дунёқарашини, маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

«Шукрона» фермер хўжалиги раҳбари Ҳотам Жумаев, «Абдиев Мажид» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Суюн Абдиев, Ғузор туманидаги «Зарбдор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раъно Жонқувватова, Шаҳрисабз педагогика коллежи ўқитувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Шаҳноза Холмаҳматова, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қашқадарё вилоятидаги тараққиёт, ўзгаришлар одамларнинг ҳаёт даражасини ошираётгани, ўз мустақил фикрига, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга ёшлар катта ютуқларга эришаётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига сафари давомидаги учрашув ва мулоқотлар, уларда билдирилган фикрлар амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини муттасил юксалтиришга хизмат қилаётганини яна бир бор намоён этди.

**Анвар САМАДОВ,**
**Ўлмас БАРОТОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2016 йил 1 июлдаги ПФ-4807-сонли
Фармонига 1-илова

## «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувликни, тинчлик ва барқарорликни асраш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳалари вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланади.

2. «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, вазирлик, идора ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, бунга вакил қилинган бошқа шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга унинг гувоҳномаси берилади.

4. «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2016 йил 1 июлдаги ПФ-4807-сонли
Фармонига 2-илова

## «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишонининг ТАВСИФИ

**«O'ZBEKISTON MUSTAQILLIGIGA 25 YIL»**
**эсдалик нишони**

Олд томони | Орқа томони




«Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Эсдалик нишонининг олд томони марказида қуёш нурлари фонида Мустақиллик майдонида жойлашган Мустақиллик ва эзгулик монументида акс эттирилган Бахтиёр она ҳайкали тасвирланган. Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб зарҳал ҳошия билан ўралган оқ эмалли доирада «O'ZBEKISTON MUSTAQILLIGIGA» сўзлари, пастки қисми марказида эса иккита саккиз қиррали юлдуз оралиғида «25 YIL» ёзуви акс этган. Ёзувлар зарҳалланган.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби, пастки қисмининг марказида «2016» ёзуви тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабариқдир.

Эсдалик нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабариқ доира билан ўралган.

Эсдалик нишони илгакчалар ва ҳалқача ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағич билан туташтирилган. Қадағич Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги, эни 20 миллиметрли шойи лента билан қопланган.

Қадағичнинг бўйи – 16 миллиметр, эни – 25 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонига эсдалик нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ҚАРОРИ**

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг маънавий ҳаётимизда эзгулик, шукроналик, меҳр-оқибат каби олижаноб қадриятларни қарор топтиришдаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, миллий-диний анъаналаримизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2016 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 6 июль чоршанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини эътиборга олиб, 2016 йил 6 июль дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитини жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтказиш учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 1 июль

МУНОСАБАТ

■ Президентимизнинг табригини ҳаяжон билан, катта қониқиш ила тингладим. Табрикда ёш журналист кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

# ДАЪВАТКОР СЎЗ

## журналист ҳаётининг мезони бўлмоғи керак



*Худойберди ТЎХТАБОЕВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:*

— Президентимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини ҳузур қилиб тингладим. Айниқса, журналистлар меҳнатига берилган юксак баҳо мени ҳаяжонга солди.

Мен ўша лаҳзаларда беихтиёр ўтмишни эсладим. «Ўзбекистон овози»да узоқ йил ишлаганман, ҳозир ҳам ҳамкорлик қилиб келаман. Ўтган замоннинг журналистлари тепадан буйруқ келмагунча, мавзу тасдиқланмагунча кутиб турарди. Рухсат ё тегарди, ё йўқ.

Яна бир гапни айтгим келяпти, газеталар учун далага ўғит чиқаришдан тортиб, ғўзапояни йиғиб олгунча бўладиган жараён асосий мавзу эди. Қишда шўр ювиш, ерни текислаш, баҳорда чигит экиш, ғўза ниҳолларини яганалаш, кейин чеканка мавсуми, дефоляция, кейин йиғим-терим. Шу орада дағал ем-хашак йиғиш ҳам долзарб мавзу эди. Биз журналистлар ана шуларни ёритиш билан овора эдик.

Бугун эса Юртбошимиз томонидан журналистлар эътибори маърифат ва маънавият, тарихий қадриятларимизни матбуотимиз саҳифаларида кенг ёритиш, халқ онгига етказиш, ҳар бир инсонда Ватанга дахлдорлик туйғусини шакллантиришга қаратилмоқда.

Яна бир гап шуки, байрам табригида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ривожланиш одимларини атрофлича ёритишда жонбозлик кўрсатаётгани журналистларимиз меҳнатига юксак баҳо берилди.

Журналистларимиз эришилган ютуқлар билан бир қаторда халқимиздаги кўтаринкиликни, ижодкорлик ва шукроналикни яна ҳам кенгроқ, тўлақонлироқ ёритиши жуда муҳим.

> Бугун эса Президентимизнинг ўзи биздан фаоллик талаб қиляпти, эзгу орзу-интилиш ва ташаббусларимизни қўллаб-қувватламоқда... Матбуотга, журналист аҳлига шунчалик юксак ишонч, шунчалик меҳр кўрсатилганини ким кўрган, қачон кўрган?

Мен бугунги журналистиканинг мавзусини кузатиб бораман. Матбуотда мавзунинг кенгайгани, ранг-баранглиги кишини қувонтиради. Ҳозир ёш истеъдодлар ҳақидаги мақолалардан тортиб таълим, тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар, тарихий бунёдкорликлар, одамлар турмуши ва дунёқарашидаги ўзгаришлар атрофлича ёритилмоқда.

Биз, эски замонда юракни ҳовучлаб ишлардик, бирор хатога йўл қўйсак, эртага аҳволимиз нима бўлади, деб ҳайиқардик. Бугун эса Президентимизнинг ўзи биздан фаоллик талаб қиляпти, эзгу орзу-интилиш ва ташаббусларимизни қўллаб-қувватламоқда... Матбуотга, журналист аҳлига шунчалик юксак ишонч, шунчалик меҳр кўрсатилганини ким кўрган, қачон кўрган?

Биз, журналистлар меҳнатимизга озгина бўлса-да рағбат кутганмиз, лекин бунақанги рағбат мустақилликдан кейин келганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Байрам табригида матбуот аҳли олдига қўйилган энг долзарб вазифалар кўрсатиб ўтилди, журналистлар яна бир карра уйғоқликка, огоҳликка даъват этилди. Бу барча матбуот ходимлари кучига куч қўшди, вужудидаги шижоатни, ғайратни тўлқинлантириб юборди. Бу ишонч журналистларимиздан янада фидойилик билан меҳнат қилишни талаб этади.

**Охунжон ХУШВАҚТОВ ёзиб олди.**



*Рамзиддин АБДУСАТТОРОВ, ЎзМУ журналистика факультети деканининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, доцент:*

— 27 июнь санаси Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу кунда мазкур соҳа фидойиларининг касб байрами нишонланади. Ҳамкасблар, шогирдлар бир-биримизни қутлаймиз. Лекин биз учун энг қадрлиси бу Президентимизнинг байрам табригидир. Давлатимиз раҳбари қалам аҳлига эҳтиром кўрсатиш билан бирга олдимизга ўта муҳим вазифаларни ҳам қўядики, бу бизнинг йил давомида қиладиган барча эзгу ишларимиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Бу йил Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган маросимда қатнашиб, Президентимизнинг табригини ҳаяжон билан, тўла қониқиш ила тингладим. Табрикда ёш журналист кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг учун олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини янада ривожлантириш зарурлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Ўтган йили факультетимизнинг янги биноси қуриб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда халқаро андозаларга мос журналист кадрлар тайёрлаш учун зарур бўлган барча шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Факультетимиз қирққа яқин ўқув аудитория, иккита компьютер маркази, ўқув теле-радиостудия, фотостудияга эга. Бу даргоҳда яратилган шароитлар жаҳон стандартларига тўла жавоб беради. Талабаларимиз томонидан «Журналист» газетаси мунтазам нашр этилмоқда, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар университет бўйича эфирга узатилади.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Малакали журналист кадрлар тайёрлашда амалиёт жуда ҳам муҳим босқич ҳисобланади. Айни пайтда бу борадаги ишларимизни янада такомиллаштириш устида изланиш олиб боряпмиз. Турли оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Талабанинг таҳририятда ўтказган ҳар бир куни, нималарни ўзлаштиргани доимий назоратимизда. Марказий оммавий ахборот воситалари қошида ўнга яқин маҳорат мактаблари ташкил қилинган бўлиб, республикамизнинг етакчи журналистлари факультетимизга келиб, амалий машғулотлар олиб боришади.

Журналистикада ихтисослашув масаласи йилдан-йилга долзарблашиб бораётгани ҳеч биримизга сир эмас. Бу жараёндан бизнинг факультет ҳам четда қолаётгани йўқ. Олий журналистика курсларида бакалавр босқичида бошқа йўналишда таҳсил олган кадрлар таълим олади. Улар айнан ўзларининг йўналиши бўйича журналист кадр бўлиб етишади.

Факультетимиз битирувчилари орасида республика ОАВда муваффақиятли фаолият кўрсатаётганлар кўпчиликни ташкил қилади. Шу давргача журналистика факультетидан 10 дан зиёд Президент стипендиантлари етишиб чиқди. Кўплаб талабаларимиз «Олтин қалам» танловида ғолибликни қўлга киритди, 50 нафардан зиёд талабамиз оммавий ахборот воситаларида ўриндошлик асосида меҳнат қилмоқда.

Мен журналист кадрлар тайёрлашга ҳисса қўшаётганимдан, журналистлик касбини танлаганимдан фахрланаман.

Президентимиз табригида билдирилган фикрлар эса биз профессор-ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклаётганини ҳам чуқур англаб турибмиз.

**Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА ёзиб олди.**

■ ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

# Парламент депутатлари

## жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишмоқда, меҳнат жамоаларида бўлиб, электорат вакилларининг фикр-мулоҳазаларини ўрганмоқда

— Бугунги учрашувимиз халқимиз кўтаринки кайфиятда Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўраётган бир пайтда ўтаётгани билан янада муҳим ва аҳамиятли, деб ўйлайман. Сизу биз тинч-тотув яшаётган шу лаҳзаларда дунёнинг қай бир ҳудудида тинчлигини йўқотиб, ўқлар овозидан жонини ҳовучлаб яшаётганлар ёки ўзи ва фарзандлари ҳаётини асраб қолиш учун она Ватанини тарк этиб, ўзга юртларда бошпана ахтариб юрганлар оз эмас.

Биз мана шундай тинчлик-осойишталикда яшаётганимизга ҳар қанча шукрона келтирсак арзийди. Бугун улуғ мақсадлар йўлида амалга ошираётган ислоҳотлар, парламентимизда қабул қилинаётган қонунлар ҳақида сизлар билан дилдан суҳбатлашгани келдик...

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Рустам Комилов** «Ўзтемирйўл контейнер» акциядорлик жамиятида сайловчилар билан мулоқотни шу фикрлар билан бошлади.

Депутат Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ва ундан келиб чиқадиган вазифалар, куни кеча Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг пойтахтимизда бўлиб ўтган саммити аҳамияти ҳақида тўхталди. Шунингдек, парламент томонидан қабул қилинган қонунлар, айни кунларда муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари ҳақида атрофлича маълумот берди.

— Мустақилликкача қандай йўлларни босиб ўтдик? Ким эдигу, ким бўлдик? — дея фикрини давом эттирди депутат. — Президентимиз Хитой Халқ Республикаси раҳбари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф буюрганида ҳам шу фикрларни алоҳида қайд этди. Мустақилликка эришиш остонасида Ўзбекистоннинг ҳолати қандай эди? Ўша пайтда мамлакатимиз иқтисодиёти аянчли аҳволда эди. Асосий ер майдонлари пахта етиштиришга мўлжалланган, дон маҳсулотлари экин майдонларининг атиги 8-10 фоизини ташкил қиларди. Картошкага эса 0,8 фоиз ер ажратилган, холос. Асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг 70 фоизи бошқа республикалардан олиб келинган. 1989-1990 йилларда республикамиз раҳбари қарори билан бир ярим миллиондан ортиқ оилага қўшимча ер, 700 минг оилага янги томорқа ерлари ажратилган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга катта эътибор қаратилди.





*Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.*

Мустақилликка эришилгач, ҳокимиятни ташкил қилиш, мустақил давлат сифатида иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш, бошқарувни шакллантириш масалалари кўндаланг бўлди. Бугун эса юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. Ўтган 25 йил ичида иқтисодиётимиз 6 баробар, аҳоли жон бошига реал даромадлар 12 баробар ошди. Саноат улуши 34 фоизга етиб, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил қилди.

Шу даврга қадар юзлаб тиббиёт масканлари қурилди. Ҳатто олис қишлоқ жойларда ҳам қишлоқ врачлик пунктлари фаолият юритмоқда. Қанчадан-қанча спорт мажмуалари, стадионлар, замонавий кўринишдаги барча қулайликларга эга мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, мусиқа мактаблари, ёшлар ижодиёти марказлари ҳамда олий таълим муассасалари янги бинолари бунёд этилди.

Хўш, бугун биздан нима талаб қилинади? Аввало, ана шундай осойишта ва фаровон кунларнинг қадрига етиб, эртанги кунимизнинг бугунгидан-да яхши бўлишига ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Шунда юртимиз янада обод бўлади, турмушимиз фаровонлашади.

Учрашув қатнашчилари ҳам эришилаётган ютуқлар ҳақида ўз фикрларини билдиришди, депутатга саволлар беришди.

— Суҳбат қизиқарли ва албатта фойдали бўлди, — дейди **«Ўзтемирйўл контейнер» акциядорлик жамияти кадрлар бўлими бошлиғи Илёс Шарипов.** — Айниқса, ёшларимиз мустақиллик қадри ва аҳамиятини яна бир бор дилдан ҳис қилишди, деб ўйлайман. Жамиятимизда 800 нафарга яқин ходим фаолият кўрсатади. Жорий йилда 40 нафар ёш кадрни ишга олдик. Уларнинг 25 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчилари. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ташкилотимизга келиб, самимий мулоқот ўтказгани ҳар биримизни Ватанимиз равнақи, тараққиёти учун фидойи бўлиб меҳнат қилиш кераклиги ҳақида янада чуқур ўйлашга ундади...

Эслатиб ўтамиз, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Парламент депутатлари жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишмоқда, кўплаб жамоаларда бўлиб, электорат вакилларининг фикр-мулоҳазаларини ўрганяпти. Юзма-юз мулоқотларда фракциямиз аъзолари томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти аҳолига кенг тушунтириляпти. Сайловчилар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, тараққиёти билан боғлиқ кўплаб саволлар билан депутатларга мурожаат этишмоқда. Шунингдек, жойларда қонунлар ижроси билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар тингланмоқда.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

■ ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

**Қашқадарё вилоятида ёзги таътил даврида болаларни соғломлаштириш, дам олиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратишга катта эътибор қаратиляпти. 19 стационар болалар оромгоҳида тўрт мавсумда 26440 нафар боланинг дам олиши режалаштирилган. Улар орасида кам таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва иқтидорли болалар бепул йўлланмалар билан таъминланди.**

# Гербимиз — фахримиз

Оромгоҳларда ўғил-қизлар учун «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида турли акциялар ташкил этилмоқда. Мустақиллик йилларида турли соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар, ёш авлод камолоти йўлидаги саъй-ҳаракатлар ва уларнинг аҳамияти тарғиб қилиняпти.

Вилоят партия кенгаши Ёзувчилар уюшмаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлинмаси, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими билан ҳамкорликда Беруний номидаги болалар оромгоҳида «Гербимиз — фахримиз» мавзусида ўтказилган давра суҳбати ана шундай тадбирлардан биридир.

Унда сўзга чиққанлар миллий тимсоллар ва рамзларнинг аҳамияти, қадр-қиммати ҳақида сўз юритишди. Таъкидланганидек, давлатчилик тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари ҳамиша азиз ва муқаддас саналган. Халқимизнинг буюк давлат барпо этиш ғояси, умуминсоний қадриятларга содиқлиги, энг аввало, давлат рамзлари ва тимсолларида ўз ифодасини топган.

Мустақилликни қўлга киритиб, байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлган халқ, аввало, ўз тақдирини ўзи белгилайди. Бу уч миллий тимсолда халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги, шунингдек, орзу-интилишлари мужассам. Гербимизда жаннатмонанд юртимизнинг бутун тароватi, табиати, гўзаллиги акс эттирилган.

Тадбир давомида **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Феруза Эшматова** давлат рамзларига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг моҳияти ҳақида фикр-мулоҳаза билдирди.

Ёшлар истиқлол, озодлик, Ватан ҳақида шеърлар ўқишди.

Тадбир сўнггида вилоят Қўғирчоқ театри санъаткорлари томонидан спектакль намойиш этилди.

**Музаффар ТУРОПОВ, Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари.**



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЧИРЧИҚ ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ШАҲАР ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН 2015 ЙИЛДА ИЧКИ ЙЎЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ, 2016 ЙИЛДА ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ ЎРГАНИБ, СЕССИЯГА КИРИТИШ БЎЙИЧА ТЕГИШЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

«ЁШ СИЁСАТЧИ — 2016»

■ Танловнинг дастлабки шартида иштирокчилар ўз ҳудуди мисолида ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни тақдим этишди.

# ИСТЕЪДОДЛИЛАРНИНГ ИСТЕЪДОДЛИСИ,

## билимдонларнинг билимдони

«Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг вилоят босқичи Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»да бўлиб ўтди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичида ғолибликни қўлга киритган 12 нафар иқтидорли йигит-қиз иштирок этди.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан амалга оширилаётган ранг-баранг мавзудаги лойиҳаларнинг энг қизиқарли, жўшқин ва энг самаралиси қайси, деб сўралса, мен ҳеч иккиланмай анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови, деган бўлардим, — деди **Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Гулчеҳра Зокирова** танловнинг вилоят босқичи бошланиши арафасида ташкилий тайёргарлик ишларини кузатаркан.

Дарҳақиқат, бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Танловнинг 2013 йилги республика босқичи ғолиби Мўътабар Қозиева айни вақтда партия вилоят кенгашида мафкуравий ишлар бўлими мудири. 2014 йилги танловнинг вилоят босқичи ғолиби Мақсуджон Олимов Наманган муҳандислик педагогика институтини имтиёзли тамомлаб, айни вақтда Тошкентда магистратурада таҳсил олмоқда...

— «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг Чортоқ туман бўлимида иштирок этиб, топган рағбат ва эътибор туфайли кўпгина ютуқларга эришдим, — дейди **«Зар жилваси» оилавий корхонаси раҳбари Хуршида Раҳматуллаева.** — Кўрик-танловда иштирок этиш истагида келиб, партиянинг «Истиқбол» ёшлар қаноти сафида ўзимнинг куч-имкониятим нимага қодирлигини англадим. Бунинг учун партиядан миннатдорман.

Танловнинг вилоят босқичида иштирокчилар юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларини ижтимоий лойиҳалар тақдимоти жараёнида ёркин намойиш этишди.

Наманган тумани вакили Лутфиддин Тўрабоевнинг «Ҳар бир сайловчи учун бир қадам» лойиҳаси — партия маҳаллий кенгашлари ва аппарат ходимларининг депутатлар билан яқин муносабатини шакллантиришга, депутатлар ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтиришга, уларнинг қонуний ваколатларидан тўлақонли фойдаланишларини ташкил этишга бағишланган. Уйчилик Маҳфуза Мамадалиеванинг ипак толали матолардан либослар тикишни йўлга қўйиш орқали, бандлик дастурининг бажарилишига ҳисса қўшиш тўғрисидаги ижтимоий лойиҳаси, Наманган шаҳри вакили Нодира Набиеванинг «Намунали оила» ижтимоий лойиҳаси хусусида яхши фикрлар билдирилди.

Бу галги танлов иштирокчиларининг истеъдоди ва билими олдингиларига қараганда юқорироқ.

Белгиланган шартлар бўйича энг юқори балл тўплашга муваффақ бўлган Косонсой тумани вакили Ҳуршида Бобожонова танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Иккинчи ўрин Наманган шаҳри вакиласи Нодира Набиевага, учинчи ўрин эса норинлик Муҳаммадниёз Собировга насиб этди. Ғолиблар ва бир қатор номинациялар бўйича тақдирланган иштирокчиларга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари сектори мудири Умурбек Бектемиров, партия вилоят кенгаши раиси, депутатлик гуруҳи раҳбари Дилором Абдураҳимова, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган ҳудудий бўлинмаси раҳбари, иқтисод фанлари номзоди Зафар Худойбердиев, шунингдек, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари иштирок этган кўрик-танлов якунида йигирма нафардан зиёд йигит-қизга партиямизга аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ**

* * *

**Нукус шаҳрида «Ёш сиёсатчи — 2016» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.** Уни ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Нукусбой Ғаниев кириш сўзи билан очди.

Танловнинг дастлабки шартида иштирокчилар ўз ҳудуди мисолида ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни тақдим этишди.

Танловнинг савол-жавоблар шартида Нукус шаҳри вакили Наврўз Нуримбетовнинг зукколиги барчани қойил қолдирди. Амударё туманидан Иномжон Турсинбоев ва Қонликўлдан Эркинбой Қолбоевлар саволларга яхши жавоб беришди.

Учинчи шартда улар нотиқлик санъатини намойиш этишди. Қўнғиротлик Шаҳноза Болтабоева, элликқалъалик Озод Кенжаев ўз маҳоратларини кўрсата олишди.

Ҳайъат қарорига кўра, учинчи ўрин амударёлик Иномжон Турсунбоевга, иккинчи ўрин Нукус шаҳридан Наврўз Нуримбетовга насиб қилди. Барча босқичларда энг юқори балл тўплаган Чимбой туманилик Паризод Ўразалиева биринчи ўринни қўлга киритиб, танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

— Албатта, менга берилган юксак ишончни оқлашга ҳаракат қиламан, — дейди **Паризод Ўразалиева.** — Танлов ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг истеъдодини юзага чиқариш мақсадида ташкил этилган бўлиб, биз ёшлар бундай имкониятдан тўлиқ фойдаланишимиз керак бўлади.

Ғолиб ва иштирокчилар эсдалик совғалари ва махсус диплом билан тақдирланишди.

**Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ**

* * *

**Навоий маданият ва санъат коллежи мажлислар зали**. «Ёш сиёсатчи — 2016» кўрик-танловининг туман, шаҳар босқичлари ғолиблари, депутатлар, партия аъзолари ва ёшлар билан тўлди. Ҳамма ҳаяжонда. Ниҳоят, бошловчи танлов иштирокчиларини даврага таклиф этди.

**Партиянинг вилоят кенгаши раиси Акмал Асатов** танловни очиб, барчага омад тилади.

Шундан сўнг «Лойиҳа тақдимоти» шартига навбат берилди. Иштирокчилар ўз ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир таклифлар ва унинг афзалликлари, кутилаётган натижалар ҳақида гапирди.

Навбаҳор иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш коллежининг битирувчиси Аббос Бобоқулов ўз лойиҳасини «Маҳаллаларда ёшлар бандлигини таъминлаш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш» деб номлаган. Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад маҳаллаларда чилангарлик, тикувчилик, сават тўқиш каби азалий қадриятларни тиклаш орқали ёшлар бандлигини таъминлашга ҳисса қўшишга қаратилган. Бу лойиҳани амалга ошириш катта маблағ талаб қилмайди. Хомашё етарли. Яна бир муҳим томони лойиҳани ҳар бир маҳаллада амалга ошириш имкони бор.

**Карманалик иштирокчи Мирсаид Жалилов** илгари сурган лойиҳа эса «Ҳеч ким меҳр ва мурувватдан четда қолмасин» мавзусида.

— Маълумки, юртимизда кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд кишиларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда ва бу масала партиямизнинг энг устувор вазифаси, — дейди у. — Бу лойиҳа имконияти чекланганларнинг қобилият ва иқтидорини юзага чиқаришга кенг йўл очади. Бунинг учун имконияти чекланганлар орасидан иқтидорли йигит-қизларни топиб, уларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, рассомчилик, ҳунармандчилик каби соҳаларга йўналтириш лозим. Ана шунда улар ижтимоий фаол кишилар сафидан жой олишга эришади.

«Билимдон сиёсатчи» шартида ёшлар Конституция, сиёсий партиялар, парламент, Оила, Меҳнат кодекслари, Президент асарлари ва партиянинг Устав ҳамда Дастурлари ҳақида ўз сиёсий билимларини намойиш этишди.

Нотиқлик шартида эса иштирокчилар мамлакатимизда қабул қилинган қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳияти юзасидан таъсирчан чиқиш қилишди.

Ғолибликни **карманалик Мирсаид Жалилов** қўлга киритди. Қолган иштирокчилар ҳам турли номинациялар бўйича рағбатлантирилди.

**Илҳом САТТОРОВ**

* * *

**Термиз шаҳридаги 2-сон академик лицейда ўтказилган кўрик-танловни вилоят партия кенгаши раиси Чори Жумақулов кириш сўзи билан очди ва иштирокчиларга омад тилади.** Шундан кейин 14 нафар партиядошимиз учта шарт бўйича ўзаро беллашди. Ёшлар масалалари, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, партия Сайловолди ва Ҳаракат дастурларида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ қилиш шартларда ўз ифодасини топди. Истиқлол фарзандларининг касаначилик, сервис хизмати кўрсатиш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ва бошқа йўналишдаги лойиҳалари ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшиши таъкидланди.

— Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ўтказилган кўрик-танлов ҳар қачонгидан қизиқарли ва ҳаяжонли ўтди, — дейди **ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Сурхондарё вилоят бўлими етакчиси Камол Абдуллаев.** — Танловнинг дастлабки босқичларида минг нафардан ортиқ иқтидорли, интилувчан ёшларнинг иштирок этгани ҳам бунинг яққол ифодасидир. Улар орасида турли танловлар ғолиблари, Давлат мукофоти совриндорлари борлиги қувонарли. Тадбирлар давомида партиямиз ғояларини қўллаб-қувватлаётган ёшларнинг 100 нафардан ортиғи сафимизга қўшилди.

Якуний натижага кўра, **Термиз туманидаги Халқобод транспорт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Дилмурод Усмонов** республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. **Иккинчи ва учинчи ўрин Шоира Азимова ҳамда Асқар Қорақуловга** насиб этди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

* * *

**Хоразм вилоятида танлов минг нафарга яқин ёш истеъдодларни қамраб олди.** Урганч шаҳридаги 2-сон мусиқа ва санъат мактабида туман ва шаҳарларда ғолиб, деб топилган 11 нафар йигит-қиз танлов низомига кўра, ижтимоий лойиҳа, «Билимдон сиёсатчи» ва нотиқлик санъати шартлари бўйича сиёсий-ҳуқуқий билимлари ва нотиқлик маҳоратларини намоён қилди.

Иштирокчилар дастлаб ижтимоий лойиҳаларни тақдим қилишди. Улар ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш, айниқса, янги иш ўринлари яратиш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга бағишланган лойиҳаларини слайдлар ҳамда кўргазмали воситалар орқали кўрсатиб беришди.

Танлов якунида **Элнур Каримов ғолиб, деб топилиб, Республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.**

Иштирокчилар эсдалик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

**«Ёш сиёсатчи — 2016» кўрик-танловининг вилоят босқичлари якунига етди.**

**Алишер ЖУМАНИЁЗОВ**




## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Танловнинг бошланғич ташкилотлар босқичи февраль-март ойларида бўлиб ўтди. Унда **19500 нафар** фаол ёшлар қатнашди.

Биринчи босқичда ғолиб бўлган **500 нафардан ортиқ** йигит-қиз апрель-май ойларида туман, шаҳар босқичларида ўз билими ва истеъдодини намойиш этди.

Учинчи босқич июнь ойида бўлиб ўтди. Шаҳар, туманларда ғолибликни қўлга киритган **200 га яқин** ёшлар вилоят ғолиблиги учун беллашди.

Энди истеъдодлардан истеъдодлиси бўлган **14 нафари** сентябрь ойида ўтказиладиган Республика босқичида қатнашади.

■ ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши Ирригация ва мелиорация институти билан ҳамкорликда маънавий-маърифий мавзуда илмий-амалий конференция ўтказди.**

# Мустақилликни кўз қорачиғидек асраш

## фуқаролик бурчимиздир

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ёш тадқиқотчилар ҳамда партия фаоллари иштирок этди.

Анжуманда Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ муҳим вазифалар ҳақида сўз юритилди.

— Ватанимиз олдидаги асосий бурчимиз бирдамликда, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Рустам Комилов**. — Ёшларимиз кечаги тузумнинг уқубатларидан тўғри хулоса чиқариб, ёруғ келажак сари интилиши даркор. Бунда шахсни ахборотларни саралашга ўргатиш мафкуравий ва сиёсий жиҳатдан муҳим масала ҳисобланади. Атрофда бўлаётган турли салбий таъсирлардан фуқаролар, айниқса, ёшларни асраш, уларга тўғри йўл кўрсатиш устувор вазифалардан биридир.

Анжуманда таъкидланганидек, республикамиз минтақамизда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлашга қаратилган деярли барча халқаро ҳужжатларга қўшилган. Мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликка қаратилган муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, уларнинг ижроси изчил таъминланиб келинмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги, «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Мудофаа тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қатор қонунлар халқимиз осойишталигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Иштирокчилар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш билан бирга, ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

**Ўз мухбиримиз.**



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ЖИСМОНИЙ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ФУҚАРОЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ЎРГАНИБ, ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ УЧУН ТАЙЁРЛАДИ.

## КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БЎЛДИК?

Мустақилликнинг ўтган йигирма беш йили давомида жамиятнинг барча соҳаларида эришилган ютуқлар ўзбек халқининг бахтли ҳаёти, озод ва обод Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун хизмат қилаяпти ва бундан кейин ҳам хизмат қилаверади.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан оромгоҳларда болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш мавсумини намунали ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.**

— Бу йилги мавсумга тайёргарлик ишлари бир қатор вазирлик ва идоралар мутасаддилигида тузилган Мувофиқлаштирувчи гуруҳ томонидан доимий равишда ўрганилиб, назорат қилиб борилди, — деди **Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Тўлқин Тешабоев.** — Хулоса шу бўлдики, оромгоҳларга энг аввало малакали кадрларни жалб этиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болалар хавфсизлигини таъминлаш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларни узлуксиз етказиб бериш масалаларига жиддий эътибор қаратилган.

# БОЛАЖОНЛАР ЁЗГИ ОРОМГОҲЛАРДА



Барча турдаги оромгоҳлар махсус ишлаб чиқилган тавсиялар, услубий-қўлланмалар, болалар учун мўлжалланган фильмлар, қўшиқлар ва шеърлар тўпламидан иборат компакт-дисклар, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари учун сценарийлар тўпламидан иборат китоблар билан таъминланди.

Ҳар бир оромгоҳда ички ишлар, ёнғин хавфсизлиги, тиббиёт, энергетика, коммунал соҳа ходимларининг туну кун навбатчилиги ўрнатилди ва зарур алоқа ва транспорт воситалари билан таъминланди.

— Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар туфайли мавсум давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари имтиёзли соғломлаштирилмоқда, — деди **Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова.** — Бундай имтиёздан меҳнаткашларнинг 40 минг нафардан ортиқ фарзанди фойдаланади, яъни ота-оналар ўзлари ишлаётган корхона ва ташкилот касаба уюшма қўмитаси орқали жамоа шартномаси асосида фарзандлари учун оромгоҳга йўлланма нархининг ўртача 30 фоизи миқдоридаги қийматини тўлайди.

Оролбўйи минтақаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан 4500 нафар бола Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги оромгоҳларда дам олишади.

Меҳрибонлик уйларининг 2 минг нафар тарбияланувчиси, 50 нафар жисмоний имконияти чекланган болалар касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан бепул дам олдирилмоқда.

Тадбирда Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларнинг минг нафар фарзанди бепул соғломлаштирилгани, «Она ва бола» йўлланмаси асосида 2400 нафардан ортиқ болажон ота-онаси билан биргаликда дам олиши режалаштирилгани таъкидлаб ўтилди.

Жорий йилда республикамиз ҳудудида Интеллектуал ривожлантириш, Ҳарбий-спорт, Ижтимоий-мослашув, Экологик-биологик, Ўлкашунослик, Техник ижодкорлик, Бадиий ижодкорлик, Меҳнат ва дам олдириш сингари 60 дан зиёд ихтисослаштирилган оромгоҳлар бўйича дастурлар қайта кўриб чиқилиб, чет тиллари бўйича услубий қўлланмалар лойиҳалари тайёрланди ва ўқув дастурлари кенгайтирилди. Бу турдаги оромгоҳларда бир ёки бир неча фанлар, хорижий тиллар чуқурлаштирилган тарзда ўрганилишига алоҳида эътибор қаратилиб, табиат қўйнида маҳорат дарслари ташкил этилаётир.

Ҳар бир оромгоҳда Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган маданий-маърифий ва спорт тадбирлари, турли акциялар, адабиёт ва санъат намояндалари, фан арбоблари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Анжуман якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Нуруллоҳ ДОСТОН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# МУСТАҚИЛЛИК СИЗГА НИМА БЕРДИ?

***Журналистларнинг ушбу саволи олдида лол қоламан. Қайси бирини айтсам экан, ахир улар шу қадар кўпки, санаб саноғига етолмайман.***



Мен қатори саксонни қоралаган инсонлар ҳам худди шу жавобни айтишади. Чунки биз ўз умримиз давомида кўпни кўрдик, қийинчиликни ҳам, хурсандчиликни ҳам. Бугунги ўзгаришлар, янгиликлар, юксалишлар кўз олдимизда бунёд бўлаётир. Шу боис биз, ёши улуғлар мустақиллик даври билан мустабид тузум йилларини солиштирамиз, таққослаймиз.

Биргина, уруш ва ундан кейинги даврдаги қаҳатчилик, бир бурда нонга зор қашшоқ ҳаётимизни эсласак, бугунги тинчлик ва фаровонликка беадад шукр қиламиз. Шаҳар ва қишлоқларнинг ободлигини айтмайсизми. Намунавий лойиҳалар асосида Президентимиз ташаббуси билан қурилаётган қишлоқ уйлари, мактаблар, коллеж, лицейлар, шифохоналар, спорт иншоотлари, тўйхоналар қишлоқ аҳолисининг кўнглини тоғдай кўтармоқда.

Илгари-чи? Талабалик давримизда пахта тергани бориб, деҳқонларнинг лойсувоқдан қурилган хонадонларига жойлашардик. Қора ерга сомон бўйра, унинг устига кигиз тўшалган бир хоналик уйда икки болалик ёш оила яшарди. Биз эса уларнинг даҳлизида мавсум охиригача тунагандик. Бу ҳам ҳолва. Қишлоқ болаларининг тили «пахта» деб чиқарди. Эртадан кечгача мана шу «фронт» эгатларида уларнинг куни ўтарди. Болалар устидан заҳарли кимёвий дорилар сочиб учаётган самолётлар ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди.

> Ўша кезларда собиқ иттифоқнинг бошқа республикалари қатори Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат таққчиллиги ҳукм сурарди. Шакар, музлатилган гўшт, ёғ, ун, совун ва бошқа маҳсулотлар навбатда туриб олинарди. Бу яқин ўтмишдаги ҳаётимиз эди.

Аёлларнинг меҳнати жуда оғир эди. Одам-ку одам, қуш учса, қаноти куядиган ёзнинг жазирамасида ҳам хотин-қизлар пахта далаларидан чиқмасди. Тушлиги нон-чой эди. Дарахтларга илинган беланчакларни куни бўйи шамол тебратарди. Қуёшнинг тиғида қорайиб, юз-қўллари бир аҳволдаги заъфарон аёллар даладан қайтгач, яна рўзғор ташвишларига шўнғиб кетишарди. Ўша пайтлардаги яна бир ҳаракат аёлларимизни бутунлай назокатдан маҳрум қилишга қаратилган эди. Хотин-қизлардан механизаторлар тайёрлаш мақсадида махсус курслар, мактаблар очилганди. Оқибатда нима бўлди? Бу машаққатли меҳнатдан, турли кимёвий моддалардан заҳарланган аёлларнинг кўпчилиги оғир дардларга мубтало бўлиб, ҳаётдан эрта кўз юмди.

Ҳуррият аёлга — муқаддас Она, мўъжиза, азиз инсон, деб қаради, аёлни қадрлади, болаларга буюк келажакнинг соғлом, кучли, билимдон суянчи, баркамол таянчи, деб қаради. Муҳтарам Президентимиз аёл қадри ҳақида шундай деган эди: Умр йўлларимизда қандай оғир синов ва машаққатлар дуч келмасин, уларни енгиб ўтишда руҳимизни кўтариб, кучимизга — куч, ғайратимизга — ғайрат қўшадиган инсонлар ҳам, ҳеч шубҳасиз, дунёдаги энг мўътабар зотлар, қалби дарё аёлларимиздир. Шу маънода, Алишер Навоий бобомизнинг «Аёллар — фаришталарнинг опа-сингилларидир» деган ҳикматли сўзларида қандай чуқур маъно борлигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар бир йилга ном бериб келинмоқда. Чунончи, 1998 йил — «Оила», 1999 йил — «Аёллар», 2000 йил — «Соғлом авлод», 2001 йил — «Она ва бола»... 2016 йил — «Соғлом она ва бола йили», деб аталди. Қаранг, бутун диққат-эътибор аёлга, онага, унинг дилбанди — болага қаратилмоқда. Мазкур йилларга бағишланган Давлат дастурлари асосида хотин-қизларнинг саломатлиги, фаоллиги, болаларнинг баркамол ўсиши учун миллиардлаб маблағлар сарфланмоқда. Соғлом онадан соғлом бола туғилади. Бинобарин, оилавий поликлиникалар, санаторийлар, дам олиш оромгоҳлари оналар, аёллар хизматида.

Болаларнинг жисмоний ва маънавий ривожланиши учун юртимизда спорт мажмуалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг ташкил этилгани ота-оналарни бениҳоя қувонтирди. Ёдимда, илгари қишлоқлардаги болалар боғчалари ўта ночор эди. Шаҳардаги боғчаларга фарзандларимизни жойлаштириш учун эса ойлаб-йиллаб навбат кутардик. Эндиликда боғча ва мактаблар замон талабларига мос равишда қурилмоқда, барча зарур жиҳозлар билан таъминланмоқда ва уларнинг сони тобора кўпаймоқда.

Ҳар бир маҳаллада болалар учун ўйин ва спорт майдончалари ташкил этилди. Собиқ иттифоқ давридаги «Болалар уйи» Мустақилликдан сўнг «Меҳрибонлик уйи» деб аталиши бежиз эмас. Юртбошимиз, айниқса, боқувчисини йўқотган оилалар болаларига алоҳида эътибор берди. «Президент арчаси»нинг ўтказилиши, ҳар йили янги ўқув йилида биринчи синф ўқувчилари учун ўқиш анжомларининг совға қилиниши ҳам ғамхўрлик ва меҳрибонликнинг бир кўринишидир.

Озодлик шарофати ва мустақиллик имкониятлари билан фарзандларимиз адабиёт, санъат, илм-фан ва спортда ўз истеъдодларини намойиш этиб, катта ютуқларга эришмоқда. Халқаро танловларда ўзларини кўрсатишмоқда.

Яна муқоясага ўтамиз, советлар даврида бир гал Францияга боришга тўғри келганди. Бўш вақтларда шаҳар айланиб, супермаркетга кирдим. Пештахталардаги мўл-кўлчиликни кўриб, ҳавасим келар, шунда дилимда «қачон бизнинг юртимизда ҳам шундай тўкин-сочинлик бўлар экан», дея орзу қилардим. Айнан ўша кезларда собиқ иттифоқнинг бошқа республикалари қатори Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат таққчиллиги ҳукм сурарди. Шакар, музлатилган гўшт, ёғ, ун, совун ва бошқалар навбатда туриб олинарди. Бу яқин ўтмишдаги ҳаётимиз эди.

Ҳозир супермаркетларнинг сон-саноғи йўқ, дўкон пештахталарида одамнинг жонидан бошқа барча неъматлар муҳайё. Кўриб кўзинг қувонади, беихтиёр кўнгилда шукроналик туйғулари жўш уради.

Ўшанда бир француз ўқитувчисининг уйида меҳмон бўлгандик. Суҳбатимизнинг аввалида у: «Сизлар Русияданмисиз» деб сўради. Мен Ўзбекистондан келганимизни билдирганимда, таажжубга тушди. «Биз фақат Самарқанд ва Бухорони биламиз, холос», деди ва энциклопедияни олиб, кўҳна Самарқанду Бухоронинг хароб бозорлари тасвирланган расмларни кўрсатди. Ўшанда жуда ўксиган эдим.

Яқинда пойтахтимизнинг Амир Темур кўчасида бир франциялик меҳмонни учратиб қолдим. У машиналарнинг кўплигидан кўчанинг нариги юзига ўтолмаётган экан. «Худди Парижнинг ўзи-я, йўқ, сизлар ундан ҳам ўтиб кетибсизлар», деди. Мен унга мамлакатимизда автомобиль заводи ишлаётганини айтдим. «Халқингиз жуда бой, фаровон яшар экан. Бир неча йил аввал Тошкентга турист сифатида келгандим, эндиликда шаҳрингизни танимай қолдим, қисқа муддат ичида шу қадар ўзгаришлар юз берибдики, ҳайратга тушдим. Одамларингиз меҳнаткаш экан...»

Яна ўтмиш ҳақида ўйлайман. Шўролар даврида пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ марказида Свердлов номидаги концерт зали бўларди, унга ёнма-ён марказий ҳаммомнинг биноси жойлашганди. Бугун эса эски бинолар бузилиб, ўрнига янги замонавий иморатлар тушди. Қатор саноат корхоналари, трамвай йўллари, деполар олиб ташланди, йўллар кенгайтирилди. Шаҳримиздаги «Истиқлол» ва «Туркистон» номли ҳашаматли санъат саройлари томошабинларга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўзининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» ҳамда «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» асарларида халқимиз маънавиятини янада юксак поғоналарга кўтаришнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритиб, шундай дейди: Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир...

Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда одамларни эзгуликка, инсоф-диёнатга, меҳр-оқибатга, бағрикенгликка чорлайдиган ижодкорларнинг ҳароратли сўзлари муҳим эканлигига эътибор қаратди.

Мустақилликнинг ўтган йигирма беш йили давомида жамиятнинг барча соҳаларида эришилган ютуқлар ўзбек халқининг бахтли ҳаёти, озод ва обод Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун хизмат қилаяпти ва бундан кейин ҳам хизмат қилаверади.

**Йигит ёшинг бўлсин кутлуғ,**
**Юз йилларнинг бошида тур.**
**Мақсад аниқ, режанг улуғ,**
**Зафар сари илгари юр,**
**Қаҳрамоним Ўзбекистон!**

***Гулчеҳра ЖЎРАЕВА,***
**шоира.**

ФУТБОЛ

# Португалия — дастлабки ярим финалчи

***Франция яшил майдонларида футбол бўйича давом этаётган XV Европа чемпионати дастлабки ярим финалчиси номи маълум бўлди.***

